2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 226 (1287), 2024 йил 7 ноябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Бишкек шаҳрида бўлди.





Президент Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувлардан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мураккаб тус олганини алоҳида таъкидлади. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучаймоқда, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайиб, турли хавф-хатарлар янада ортмоқда.

Бу муаммолар савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги қўшма режа ва катта лойиҳаларга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу маънода, сиёсат ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позицияни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Аввалambор, гўзал Бишкек шаҳрида саммитимиз юксак даражада ташкил этилгани ва кўрсатилаётган анъанавий меҳмондўстлик учун Қирғиз Республикаси Президенти ҳурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сўнгги йилларда Қирғизистонда барча соҳаларда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар ва туб ўзгаришларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун тадбиримиз ўтаётган ушбу муҳташам мажмуа ҳам бу сўзларимизнинг яққол далилидир.

Мамлакатда сиёсий-ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани, замонавий саноат ва инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, давлатнинг халқаро обрўси ва нуфузи ошаётгани яқин қардош сифатида бизни чексиз қувонтиради.

Қирғиз томонининг Ташкилотимизда иқтисодий интеграция, умумий тараққиёт, рақамли келажак ва хавфсизлик йўналишларида шерикликни асосий мақсад этиб белгилаган раислиги даври муваффақиятли ўтишига тилакдошман.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Токаевни ҳам тузилмамизда “Туркий давр!” шиори остида ўтган самарали раислиги билан чин дилдан табриклайман.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Минг афсуски, Остона ва Шуша шаҳарларидаги учрашувларимиздан кейинги вақт мобайнида глобал геосиёсий жараёнлар тобора мураккаб тус олди. Етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат ва ишончсизлик муҳити кескин кучаймоқда, зиддият ва уруш ўчоқлари кўпайиб, турли хавф-хатарлар янада ортмоқда.

Албатта, буларнинг салбий таъсири ва оқибатларини давлатларимиз ҳар томонлама сезиб турибди. Бу муаммолар савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги қўшма режа ва катта лойиҳаларимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда, десам, бу — айни ҳақиқатдир.

Ташкилотимиз доирасида сиёсий ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, умумий манфаатларимиздан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позициямизни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда гап, энг аввало, Яқин Шарқда давом этаётган адолатсиз уруш ва кузатилаётган икки ёқлама стандартлар ҳақида бормоқда. Ғазо сектори ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиани, тинч аҳолига қарши вайронкор ҳужумларни, айниқса, бегуноҳ болалар, кексалар ва аёллар қурбон бўлаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин қочоқларига ёрдам бериш бўйича махсус агентлиги фаолиятини чеклашга қаратилган ҳаракатларни ҳам кескин қоралаймиз.

Мазкур кўп йиллик низонинг ягона ечими — халқаро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ, 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини тузишдир.

Кейинги ҳафта Ар-Риёд шаҳрида ўтадиган араб-мусулмон давлатлари саммитида бу муаммога аниқ сиёсий ечим топилишига умид қиламиз.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

З.Т.МИРЗАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Зойир Тоирович Мирзаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б.К.ЗАРИПОВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ботир Комилович Зарипов** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ш.Б.УМУРЗАКОВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Буранович Умурзаков** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Х.Х.БОЗАРОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Хайрулло Хайитбаевич Бозаров** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

М.Б.АЗИМОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Муротжон Бердиалиевич Азимов** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 6 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТДТГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ТАШКИЛОТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ МАВҚЕИНИ ҲАМ, ИЧКИ АЛОҚАЛАРИНИ ҲАМ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ БИШКЕК САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Давоми 2-бетда

2024 йил 7 ноябрь, 226-сон

Минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва хорижий инвестиция компанияларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Туркий инвестиция форумини ташкил этиш ва унинг биринчи йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Хавфсизлик ҳақида тўхталганда, Афғонистон масаласи Ташкилотимиз доирасида доимо диққатимиз марказида бўлиши лозим. Бу борада вазирлар ва экспертлар даражасидаги мунтазам мулоқот механизмини йўлга қўйиш муҳимдир.

Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб этиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш масалалари албатта кўриб чиқилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Бугун Ташкилотимизнинг тарихий ҳужжати — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Аминманки, биз шу асосда Туркий дунёни янада жипслаштириш, унинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларимизни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга эришамиз.

Саммитимиз кун тартибидан келиб чиқиб, бир қатор устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, давлатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражасидан келиб чиқиб, Ташкилотимизнинг асосий шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Биз Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиги тўғрисидаги шартномани қабул қилишни таклиф этамиз. Ўйлайманки, ушбу кенг қамровли ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши тузилмамиз фаолиятини янада юксак сиёсий поғонага кўтаради.

Иккинчидан, Ташкилотимиз доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш бўйича ниятимиз қатъийдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлатларимизнинг ташқи товар айланмасида ўзаро савдомиз улуши анча паст даражада қолмоқда. Импортимизнинг салмоқли қисми учинчи давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу борада вазиятни кескин ўзгартириш вақти келди.

Энг аввало, тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, савдо-божхона тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, электрон тижорат платформаларини ривожлантириш бўйича аниқ битим ва келишувлар ишлаб чиқиш лозим.

Савдо соҳасидаги салоҳиятимизни кенгайтиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун яқин истиқболда Тошкентда етакчи миллий таҳлил марказларимизнинг анжуманини ўтказиш айни муддао бўлар эди.

Келгуси йил учун иқтисодий форум, савдо ва саноат кўргазмалари, минтақа ва вилоятларимизнинг ўзаро ташриф режаларини, давлат харидларида иштирок этиш, кооперация ва локализация қўшма дастурини қабул қилишимиз керак. Бу устувор вазифаларни мамлакатларимизнинг Бош вазир ўринбосарлари зиммасига юкласак, албатта натижаси тезда кўринади.

Учинчидан, бугунги оғир глобал иқтисодий шароитда энг долзарб муаммо — бу инвестиция жараёнларининг узлуксизлигини таъминлашдир.

Жаҳон молия бозорида капиталга бўлган талаб ва унинг нархи тобора ошиб бормоқда. Ривожланаётган давлатлар учун узоқ муддатли ва “яшил” кредитлар ажратиш шартлари қийинлашмоқда.

Биз Ташкилотимиз доирасида молиявий инструментларни жорий этишга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Туркий инвестиция жамғармаси ишини фаоллаштириш, бизнинг ташаббусимиз бўлган Туркий ривожланиш банкини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Минтақавий аҳамиятга эга лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва чет эл инвестиция компанияларини кенг жалб этиш ҳам долзарб вазифадир. Бу борада Туркий инвестиция форумини ташкил этишни таклиф қиламиз ва унинг илк тадбирини Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Тўртинчидан, яна бир устувор масала — бу транспорт коридорларидан самарали фойдаланишдир.

Ўрта коридор бўйлаб транзит тарифларини мақбуллаштириш, чегаралардан ўтиш жараёнларини соддалаштириш, замонавий логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш умумий манфаатларимизга тўла жавоб беради.

Ташкилотимиз доирасидаги ташувларда электрон ҳужжатлар айланмасига ўтиш ва уларни ўзаро тан олиш бўйича кўп томонлама битимни имзолашга чақирамиз.

Бундай долзарб масалаларни бизнес вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилиш мақсадида Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянси билан ҳамкорликда Халқаро логистика конференциясини ўтказишни таклиф этамиз.

Бешинчидан, келажак иқтисодиётини кенг жорий этишга қаратилган Рақамли туркий дунё концепциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурамиз.

Мазкур концепция мамлакатларимизда тўпланган илғор тажриба ва IT соҳасидаги ютуқларни ўзаро алмашиш, инновация, инфратузилма ва илм-фан бўйича рақамли тизимларни, йирик дата-марказларини яратишга хизмат қилади.

Олтинчидан, келгуси ҳафта Бокуда COP-29 глобал саммити ўз ишини бошлаши билан Озарбайжон Президенти, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни яна бир бор самимий табриклаб, катта омадлар тилайман.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир экологик муаммоларга ечимлар топиш мақсадида вазирлар даражасидаги Туркий экологик кенгашни тезроқ тузиш зарурлигини таъкидлаб, унинг биринчи учрашувини келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларимизни жадидларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида нашр этсак, манзур иш бўлар эди.

Бу борада “Туркий мамлакатлар тарихи” каби фундаментал тадқиқотларни биргаликда яратиш долзарб вазифамиздир. Шу билан бирга, туркий тиллардан бевосита таржима қилишни рағбатлантириш, мактабларимизда туркий халқлар ва уларнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати ҳақида факультатив дарсларни йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Туркий маданият ва мерос жамғармасига тўлақонли аъзо бўлишга тайёрлигини билдираман.

Қадрли дўстлар!

Бугун “Туркий дунё Олий ордени” билан мукофотланаётган Венгрия Бош вазири ҳурматли Виктор Орбан жанобларини қизғин табриклайман.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорлигимиз шиддат билан ўзгараётган дунёда ўз позицияларимизни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, алоқаларимизни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Аминманки, бугунги саммитимиз натижалари Туркий цивилизацияни юксалтириш борасидаги улкан режаларимизга муносиб ҳисса қўшади.

ҚАРДОШ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бу ўринда гап, энг аввало, Яқин Шарқда давом этаётган адолатсиз уруш ва кузатилаётган икки ёқлама стандартлар ҳақида бормоқда. Ғазо сектори ва Ливандаги мисли кўрилмаган гуманитар фожиа, тинч аҳолига қарши вайронкор ҳужумлар, айниқса, бегуноҳ болалар, кексалар ва аёллар қурбон бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фаластин қочоқларига ёрдам бериш бўйича махсус агентлиги фаолиятини чеклашга қаратилган ҳаракатлар қораланди.

Мазкур кўп йиллик низонинг ягона ечими — халқаро меъёрий ҳужжатлар ва резолюцияларга мувофиқ 1967 йилдаги чегаралар асосида, пойтахти Шарқий Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини тузиш экани таъкидланди.

Кейинги ҳафта Ар-Риёд шаҳрида ўтадиган араб-мусулмон давлатлари саммитида бу муаммога конструктив сиёсий ечим топилишига умид билдирилди.

Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада вазирлар ва экспертлар даражасидаги мунтазам мулоқот механизмини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистондаги ўткир муаммоларни ҳал этишда амалдаги ҳукуматга ёрдам кўрсатиш, бу давлатни минтақавий иқтисодий жараёнларга кенг жалб этиш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини рўёбга чиқариш масалалари албатта кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тарихий ҳужжат — Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўп қиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Саммит кун тартибидан келиб чиқиб, Ўзбекистон етакчиси бир қатор устувор масалаларга тўхталиб ўтди.

Аввало, давлатимиз раҳбари ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Шу маънода, Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, ташкилот доирасида янги иқтисодий имкониятлар маконини яратиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш, савдо-божхона тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, электрон тижорат платформаларини ривожлантириш бўйича аниқ битим ва келишувларни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Шу муносабат билан савдо соҳасидаги салоҳиятни кенгайтиришга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун яқин истиқболда Тошкентда етакчи таҳлил марказларининг анжуманини ўтказиш таклиф қилинди.

Келгуси йил учун иқтисодий форум, савдо ва саноат кўргазмалари, минтақа ва вилоятларнинг ўзаро ташриф режаларини, давлат харидларида иштирок этиш, кооперация ва локализация қўшма дастурини қабул қилиш кераклиги таъкидланди.

Жаҳон молия бозорида капиталга бўлган талаб ва унинг қиймати ортиб бормоқда, ривожланаётган давлатларга узоқ муддатли ва “яшил” кредитлар ажратиш шартлари мураккаблашмоқда.

Шу нуқтаи назардан, молиявий инструментларни жорий этиш, Туркий инвестиция фонди фаолиятини фаоллаштириш ва Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларга халқаро молия институтлари ва хорижий инвестиция компанияларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Туркий инвестиция форумини ташкил этиш ва унинг биринчи йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклиф қилинди.

Транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш, Ўрта йўлак бўйича транзит тарифларини мақбуллаштириш, чегараларни кесиб ўтиш жараёнларини соддалаштириш, замонавий логистика тизимлари ва қўшма операторларни яратиш яна бир устувор масала сифатида белгиланди.

Ташкилот доирасида ташишларда электрон ҳужжат айланишига ўтиш ва уларни ўзаро тан олиш бўйича кўп томонлама битимни имзолаш ташаббуси илгари сурилди.

Ушбу масалаларни бизнес вакиллари иштирокида батафсил муҳокама қилиш мақсадида Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилар альянси билан ҳамкорликда Халқаро логистика конференциясини ўтказиш долзарблиги қайд этилди.

Бу галги саммит мавзусини қўллаб-қувватлаш мақсадида келажак иқтисодиётини кенг жорий этиш, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида илғор тажриба ва ютуқларни алмашиш, инновациялар, инфратузилма ва илм-фаннинг рақамли тизимларини, йирик маълумотлар марказларини яратишга қаратилган “Рақамли туркий дунё” концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон етакчиси Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевни келгуси ҳафтада Боку шаҳрида COP-29 Глобал саммити иш бошлаши билан самимий қутлаб, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўткир экологик муаммоларга ечим топиш учун вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тез фурсатда ташкил этиш зарурлигини таъкидлади ҳамда унинг биринчи учрашувини келгуси йилда Ўзбекистонда ўтказишга тайёрлигини тасдиқлади.

Қардош халқларимизни янада яқинлаштириш, ёшларни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида ташкилотга аъзо мамлакатлар тилларида туркий халқлар оғзаки ижодининг кўп жилдлик тўпламини нашр этиш, биргаликда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, мактабларда туркий халқлар ва уларнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва санъати бўйича факультатив дарсларни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу маънода, Ўзбекистон Туркий маданият ва мерос жамғармасининг тўлақонли аъзоси бўлишга тайёрлиги билдирилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Венгрия Бош вазири Виктор Орбанни Туркий дунёнинг олий орденига сазовор бўлгани билан самимий табриклади.

Саммит якунида Бишкек декларацияси, мамлакатимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Туркий дунё хартияси, шунингдек, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор келишувлар қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзига ажратилган қарорғоҳда Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро ҳамкорликнинг амалий натижалари алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва саноат кооперацияси кўлами ортиб бормоқда, Тошкент вилоятида индустриал парк ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Октябрь ойида Қўқон шаҳрида биринчи Ҳудудлар форуми ўтказилди. Бу ойда Будапешт шаҳрида муҳим қўшма маданий тадбирлар бўлиб ўтади.

Давлат раҳбарлари икки томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Етакчи компанияларнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича янги лойиҳалар портфелини шакллантириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТДТГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ТАШКИЛОТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ МАВҚЕИНИ ҲАМ, ИЧКИ АЛОҚАЛАРИНИ ҲАМ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ БИШКЕК САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида сиёсат ва хавфсизлик масалаларида мулоқотларни тизимли давом эттириш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, халқаро муаммолар бўйича якдил ва аниқ позицияни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мазкур саммитдаги нутқи халқаро эксперт ва таҳлил доиралари вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Хесус ХИЛ,
Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания Шарқшунослари уюшмаси бош котиби, туркшунос:

— Ўзбекистон туркий мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияси, барқарор ривожланиши ва рақамли келажагига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, ТДТнинг стратегик кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этяпти. Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва асосий халқаро муаммолар бўйича ягона позицияни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу ТДТ мамлакатларига глобал муаммоларни янада ишончли ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Туркий дунё хартияси республиканинг ташкилотдаги етакчилик ролининг ёрқин намунасидир. Ушбу ҳужжат туркий давлатларнинг бирдамлик, яқиндан маданий-иқтисодий ҳамкорлик қилиш ва минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги муштарак интилишларини акс эттиради. Бундан ташқари, Ўзбекистон савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этиш, савдо, транспорт ва рақамли технологияларни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, қўшма ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича муҳим таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон Туркий инвестиция форумини ташкил этишга чақируви орқали халқаро сармояларни жалб қилиш ва минтақавий иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга содиқлигини намойиш этмоқда. Бу таклифлар молия институтларини ташкил этиш ва транспорт йўлакларини мустаҳкамлаш ғоялари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш бўйича узоқ муддатли истиқболларини акс эттиради.

Ўзбекистон маданий даражада туркий меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлайди. Бу туркий тилли мамлакатлар халқлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, билим алмашиш учун муҳим платформа яратади. Айниқса, ёшларни ўз халқларининг тарихи ва анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

> **Таъкидлаш керакки, расмий Тошкентнинг ТДТга қўшган ҳиссаси ташкилотнинг халқаро майдондаги мавқеини ҳам, ички алоқаларини ҳам мустаҳкамлайди.**

> **ТДТ саммитида Самарқанд, Остона ва Шушада бўлиб ўтган аввалги саммитларда илгари сурилган ташаббусларни ўз ичига олган Бишкек декларациясининг қабул қилиниши унинг кўп томонлама ривожланишга содиқлигини яққол намоён этади.**

Холид Таймур АКРАМ,
“Умумий келажак жамияти” таҳлил маркази ижрочи директори (Покистон):

— Покистонлик эксперт сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти ривожига қўшган ҳиссаси ва туркий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайман.

ТДТ саммитида Самарқанд, Остона ва Шушада бўлиб ўтган аввалги саммитларда илгари сурилган ташаббусларни ўз ичига олган Бишкек декларациясининг қабул қилиниши унинг кўп томонлама ривожланишга содиқлигини яққол намоён этади.

Иқтисодий ривожланиш, маданий ҳамкорлик ва ижтимоий барқарорлик каби муҳим масалаларни қамраб олган ушбу таклифлар Ўзбекистоннинг туркий дунё интеграцияси ҳаракатлантирувчи кучи сифатидаги ролини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йилда Остона шаҳрида таклиф этилган Туркий дунё хартияси алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат бирлик рамзига айланади ва ТДТ мамлакатлари ўртасида умумий қадриятлар ҳамда стратегик манфаатларга асосланган узоқ муддатли ҳамкорлик учун асос яратади.

Ишончим комилки, Хартия иштирокчи мамлакатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда амалий восита бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари ТДТнинг стратегик кун тартибини янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Эксперт сифатида мен ушбу ташаббуслар Покистон учун ТДТ билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган катта имкониятлар яратаётганини кўряпман.

> **Ўзбекистон етакчисининг нутқи туркий халқларнинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги таъкидлангани билан катта таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг ривожланиши қўшни давлатларга ижобий таъсир кўрсатиб, бутун Марказий Осиёда умумий тараққиётни мустаҳкамлайди.**

Далиа ОЛТУНТЕПЕ,
“Нидерландия — Ўзбекистон” дўстлик жамғармаси раиси:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида туркий халқларнинг бирлиги ва юксалиши учун зарур бўлган мақсад ҳамда аниқ йўналишлар ўз ифодасини топди.

Менинг нуқтаи назаримга кўра, Ўзбекистон етакчисининг нутқи туркий халқларнинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги таъкидлангани билан катта таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг ривожланиши қўшни давлатларга ижобий таъсир кўрсатиб, бутун Марказий Осиёда умумий тараққиётни мустаҳкамлайди.

Маданий-маърифий ташаббуслар орқали туркий халқларни бир-бирига яқинлаштириш таклифи ҳам жуда долзарб. Туркий элларнинг фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида таржима қилишни рағбатлантириш ғояси истиқболли ёндашувдир. Ҳар бир аъзо давлатнинг маданий мероси бир неча тилларда мавжуд бўлиши муҳим, бу унинг бутун туркий дунёда тушунарли бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг кейинги пайтларда ўзбек тили ва адабиётини тарғиб этиш, туркий тилли минтақадаги муҳим арбоблар — жадид зиёлиларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида эришган муваффақиятлари миллий ўзликни мустаҳкамлашнинг ажойиб намунасидир. Ушбу маданий лойиҳаларга сармоя киритиш орқали Ўзбекистон нафақат ўз меросини тарғиб қилмоқда, балки бутун туркий дунёда алоқаларни мустаҳкамлайдиган йўлни босиб ўтмоқда.

Байболот АБИТОВ,
Ўш давлат университети Шарқ қўлёзмалари ва мероси институти раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор:

— Саммит кун тартибидан туркий дунёни ривожлантириш, иқтисодий интеграция, барқарор тараққиётни таъминлаш, рақамли келажак ҳамда хавфсизлик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш масалалари муҳокамаси ўрин олди.

Етакчилар туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Илгари сурилган ташаббуслар ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ташкилот ва икки давлатнинг янада самарали ривожланишига хизмат қилади.

“Дунё” АА

Бугуннинг гапи

МИГРАЦИЯ

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАД МАНБАИ ЯРАТИШГА ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Меҳнат миграциясининг ҳозирги ривожини кўпчилик глобаллашув, замонавий тараққиёт имкониятлари ва ривожланган давлатларда ишчи кучига талаб юқорилиги билан боғлайди. Тўғри, бу омиллар асосли. Лекин эътибордан четда қолаётган яна бир жиҳат бор. Бу кейинги пайтларда меҳнат миграцияси масаласига муаммо эмас, балки иқтисодий чора сифатида қараш шаклланган ва оммалашгани билан боғлиқ. Бошқача айтганда, бундан ҳам юборувчи, ҳам қабул қилувчи давлатлар иқтисодий манфаат кўрмоқда.



Бугун исталган мамлакатда миграция масаласига дуч келишингиз мумкин. Албатта, кимдир ўқиш, бошқаси тижорат ёки саёҳат, яна биров ишлаш мақсадида дунё кезиб юрибди.

Бутун дунёда ишчи кучи кўчиб юриши табиий жараён. Мамлакатимизда бундай фуқароларни чет элга тартибли ва хавфсиз жўнатиш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Бандлик ва аҳоли даромадини ошириш — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Шу мақсадда кўплаб иқтисодий-ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда. Янги-янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишга кенг йўл очилган.

Бундай вазиятда давлат қонунчиликни қайта кўриб чиқиши, фуқароларини ҳимоялаш чораларини кучайтириши зарур бўлади. Шундай бўлди ҳам. Хорижда ўқиш, ишлаш ёки бизнес учун кетаётган фуқароларга яратиб берилаётган шароитлар олдинги йиллардагидан тубдан фарқ қилади. Хусусан, энг аввало, ноқонуний меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграциясини диверсификация қилиш доирасида хорижий давлатлар билан янги меҳнат бозорларига чиқиш ва мазкур йўналишдаги тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича алоқалар кучайди. Ташқи меҳнат миграциясини такомиллаштириш, хорижда ишлаётган фуқароларга ҳар томонлама кўмак бериш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан мунтазам мулоқотда бўлиш тизими йўлга қўйилди. Хорижга ишлаш мақсадида кетаётганлар билан бир қаторда миграциядан қайтган юртдошларимиз бандлигини таъминлаш, уларга доимий даромад манбаи яратиб беришга ҳам эътибор кучайди.

Маълумотларга кўра, кейинги йилларда 2 миллион 400 минг киши ўзини ўзи банд қилган. Энди улар фаолиятини янада кенгайтириш, босқичма-босқич кичик бизнесга ўтказиш, бозор топишига кўмаклашиш кун тартибидаги масалага айланди. Қолаверса, касб-ҳунарга ўқитиш орқали малакали кадрлар тайёрлаш, мигрантларнинг хорижда орттирган тажрибасини мамлакатимизда қўллашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 15 октябрда Тошкент вилоятини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва келгусидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилишда ҳам айни йўналишдаги ишларга тўхталди. Жумладан, Миграция агентлиги фаолияти такомиллаштирилиб, хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимизни хавфсиз ва юқори даромадли иш билан таъминлаш бўйича янги ёндашувлар жорий этилиши, чет элда мавсумий ишлаб қайтган ва яна кетиш истагидаги шахсларга халқаро меҳнат бозорида талабгир касб-ҳунарлар ўргатилишини таъкидлади.

Зеро, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берувчи кадрларга эҳтиёж юқорилиги боис, бу имкониятлар фуқаролар даромадини янада оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг жорий йил 17 октябрдаги “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлади. Энг муҳими, мазкур ҳужжатлар билан давлат масъул органларининг аниқ вазифалари ва жавобгарлиги белгиланди.

— Мазкур фармон миграция фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилади, — дейди Миграция агентлиги директори ўринбосари Азимжон Ҳусанов. — Бу ўринда биринчи галдаги вазифа иш берувчиларни излаб топиш. Уларни сифатли танлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги ваколатхоналари, тегишли идораларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди. Бу эса иш берувчилар масъулиятини ошириш ва фуқароларга хизмат кўрсатишни яхшилашни тақозо қилади.

Фармонга кўра, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси Миграция бўйича республика комиссияси этиб қайта номланди ва таркиби янгиланди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолияти тугатилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси агентликка ўтказилиб, унинг негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Миграция жамғармаси ташкил этилади.



— Миграция жамғармаси маблағлари, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қолаверса, хорижга ишлаш мақсадида кетиш ниятидаги, лекин етарли маблағга эга бўлмаган фуқароларга ишчи визаларни расмийлаштириш, тил ва малака сертификатини олишига кўмаклашиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилади, — дейди Миграция агентлиги мутахассиси Аброр Олимов. — Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий тилларга ўқитиш ва хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни мақсадли тайёрлаш маркази фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу марказнинг ҳар бир вилоятда филиали бўлади. Шу билан бирга, марказ хорижлик иш берувчи ва юртимиздаги профессионал таълим ташкилотлари ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Бу жараён қандай амалга оширилади? Масалан, иш берувчи ўзига қайси йўналиш ва талабларга мос келадиган номзодларни қидираётгани тўғрисида таълим марказига талабнома юборади. Ана шу талабнома асосида қисқа ёки узоқ муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Миграция агентлиги ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва мазкур соҳада давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органидир.

2025 йил 1 январдан бошлаб агентликка хусусий бандлик агентликлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ назорат тадбирларини Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ўтказишга рухсат этилади.

Агентлик зиммасига у томонидан ўтказилган ҳар қандай текшириш натижаси бўйича тузилган баённомалар, ҳар бир текширилган субъект бўйича аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари сони ва хусусияти ҳақидаги маълумотларни мажбурий тартибда беш кун муддатда “Xorijda ish” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуасига жойлаштириб бориш мажбурияти юкланади.

“Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор чет мамлакатларда ташкиллаштирилган ҳолда меҳнат қилишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш, хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ушбу жараёнга хусусий секторни янада кенг жалб қилиш ва кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштиришга қаратилган.

Унга кўра, фуқароларнинг хорижда вақтинча меҳнат фаолияти юритиш имкониятини кенгайтириш ва уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш мақсадида 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб хорижий иш берувчилар томонидан таклиф қилинаётган иш ўринлари ҳақидаги барча маълумотлар Миграция агентлигининг электрон платформаси, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда очиқ эълон қилиб борилади.

Агентликнинг электрон платформасида фуқароларга ўзининг резюмесини шакллантириш ва жойлаштириш ҳамда эълон қилинган иш ўринлари бўйича танловларда эркин иштирок этиш имконияти яратилади. Шунингдек, ҳудудий филиаллар томонидан фуқароларнинг хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ, жумладан, “ишчи виза”га оид ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича бепул консалтинг хизматлари кўрсатиш амалиёти йўлга қўйилади.

Вақтинча меҳнат фаолияти юритиш учун ривожланган мамлакатларга чиқиб кетаётган фуқароларга тижорат банклари томонидан Миграция жамғармаси маблағи ҳисобидан 10 миллион сўмгача миқдорда Марказий банкнинг асосий ставкасидан тўрт фоиз бандга юқори ставкада икки йил муддатга микрокредитлар ажратилади.

Қарор билан 2024-2026 йилларда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларни қўллаб-қувватлаш дастури тасдиқланди.

Хорижга ишлаш учун кетмоқчи бўлган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларга ўқитиш тизимини замон талабларига мослаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқаро тан олинган дастур ва малака сертификатларини жорий қилиш мақсадида 2024 йил 1 декабрдан бошлаб агентлик томонидан таълим ташкилотларида хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқароларни касб-ҳунар ва чет тилларга ўқитиш бўйича буюртмалар жойлаштириш тартиби жорий этилади.

Бунда агентлик буюртмалари асосида касбий таълим ташкилотларида хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқаролар учун давлат гранти асосида алоҳида қабул параметрлари белгиланади.

Хусусан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан хорижга ишга кетмоқчи бўлган фуқароларни ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан грантлар ажратилади.

Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан халқаро тан олинган таълим дастурлари бўйича касбга ўқиш учун таълим кредитлари ажратиш тартиби жорий қилинади.

Шу билан бирга, агентликнинг электрон платформасида касбий таълим муассасалари ва касбий кўникмалар марказларида фаолият юритаётган чет тили фани ўқитувчилари рейтинги тузилади.





Бунда инглиз, корейс, немис ва япон тиллари бўйича камида B1 ёки унга тенглаштирилган даражадаги халқаро сертификат олган битирувчилари сони энг кўп бўлган 50 ўқитувчига жамғарма ҳисобидан 50 миллион сўмдан субсидия тўланади.

Хорижда ишга жойлашиш хизматлари бозорида таклифларни кўпайтириш ҳамда ушбу йўналишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш мақсадида 2024 йил 1 декабрдан бошлаб хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилинадиган маблағлар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз минг беш юз баробаридан тўрт минг баробарига туширилади.

Агентлик томонидан хорижий иш берувчилар ва рекрутинг ташкилотларидан фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича олинган таклифларни хусусий бандлик агентликлари ўртасида очиқ танлов йўли билан тақсимлаш тартиби жорий этилади.

2026 йил 1 январга қадар агентликнинг фуқароларни ташкиллаштирилган ҳолда танлаш, хорижга ишга юбориш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ функциялари босқичма-босқич хусусий бандлик агентликларига ўтказилади.

Ушбу ҳужжатлар хорижда вақтинча меҳнат фаолияти юритиш жараёни самарадорлигини ошириш, фуқароларга хорижда ишлаш имкониятини кенгайтириш ва албатта, давлат уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлашга хизмат қилади.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида Бош қонунимизда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги, инсон қадри, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби эзгу ғоялар атрофида фуқароларни жипслаштириш, “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТ ҚОИДАСИГА АЙЛАНАЁТГАН АСОСИЙ ҚОНУН

Бахтиёр АЛИБОЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети доценти



Янги таҳрирдаги Конституциямиз 2023 йил 30 апрелда ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилиниб, 1 май куни Конституциявий қонунга мувофиқ тасдиқланди. Бош қонунимиздаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди ҳамда 65 фоиз янгиланди.

Давлатимизнинг ижтимоийлик тамойили ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мавжуд ресурсларнинг ижтимоий адолат асосида тақсимланиши, жамиятда турли табақаланишларнинг олдини олиш, аҳолининг кам таъминланган қатлами учун сифатли таълим ва тиббиёт кафолати, самарали ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилигини таъминлаш билан изоҳланади.

Бош қонунимизда белгиланган қоидалар асосида ёшлар сиёсати, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича янги имкониятлар яратилмоқда. Энг асосийси, унинг ҳар бир банди ва моддаси жамиятимиз, хусусан, ёшларнинг ҳаёт қоидасига айланиши учун турли тарғибот ва ташвиқотлар ўтказилиши, ўқув қўлланма, дарслик ҳамда рисолалар тайёрланиши зарур. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, маҳалла, таълим муассасаси, давлат ташкилотлари ва корхоналарда ўрнини топишига хизмат қилади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида илм-фан ва таълимнинг аҳамияти беқиёс. Ёшлар илмли бўлиши, замонавий технологияларни ўзлаштириши учун зарур ресурсларни йўналтириш, мактабгача таълим ташкилотидан замонавий ишлаб чиқариш корхоналаригача бўлган босқичларда сифатли мутахассис бўлиб шаклланиши учун хизмат қилувчи мантиқий боғлиқликка эга таълим концепцияларини ишлаб чиқиш орқали жамиятимиз тараққиёти ва фаровонлигига эришиш мумкин. Ушбу жараённи амалга ошириш учун Конституциямизда таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилгани муҳим аҳамиятга эга.

Таълим ва илм-фанга оид қоидалар деярли икки баробар кўпайди. Жумладан, 44-моддада болаларни мажбурий меҳнатга жалб этиш, таълим олишига тўсқинлик қилиш қонун билан тақиқланди. Шунингдек, 50-моддада ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи мустаҳкамланиши билан бирга узлуксиз ўқитиш тизими, таълимнинг турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг давлат томонидан ривожлантирилиши белгилаб қўйилди. Ушбу моддада давлат мактабгача таълим-тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш бепуллиги, умумий ўрта таълим мажбурийлиги ҳамда мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим давлат назоратида экани қайд этилган. Мактабларда имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим-тарбия таъминланиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Конституциямизга ҳамоҳанг равишда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аҳоли талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш ғояси акс этган. Жумладан, болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер синфи билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмаларини шакллантириш каби масалалар ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Бош қонунимизда олий таълим тизимини ривожлантиришга ҳам кенг эътибор қаратилган. Жумладан, 51-моддада фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олиш, олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 7-, 8-мақсадларида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш, умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, етакчи 500 таликка кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида икки дипломли тизимни жорий этиш, 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли 1000 та олий таълим ташкилоти рейтингига киритишга эришиш кўзда тутилган.

Давлат олий таълим муассасаларига 2024/2025 ўқув йилида 1 миллион 167 мингдан ортиқ йигит-қиз талабаликка қабул қилинган. Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳити шакллантирилиши, олий таълим билан қамраб олиш даражаси оширилиши натижасида ҳозир мамлакатдаги олий таълим муассасалари сони 210 тадан ошди. Ёшларнинг олий таълим билан қамрови 43 фоизга етказилди.

Конституциянинг 53-моддасида ҳар бир фуқарога илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши, интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши баён қилинган.

Ушбу модданинг амалдаги изоҳи ўлароқ, давлат томонидан илм, таълим ва инновацияга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган тўрт йилда 1727 та амалий, инновацион, фундаментал ва стартап лойиҳага 2,2 триллион сўм йўналтирилган. Тадқиқот, тажриба-конструкторлик учун харажатлар 2 баробар оширилди.

Бош қонуннинг илм-фан ва таълимга оид нормалари соҳаларнинг жадал ривожланиши учун пойдевор вазифасини ўтамоқда. Илм-фан ва таълим соҳалари ривожи учун энг сўнгги рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектнинг қўлланиши амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ва самарадорлиги гаровидир.

Янги таҳрирдаги Конституция шаклан ва мазмунан мукаммал бўлиб, унда асосий эътибор инсон омили, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини мустаҳкамлаш, оила институтини ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, болалар меҳнатига йўл қўймасликни назарда тутади. Бундан ташқари, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, сифатли ва малакали тиббий хизматни ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва коррупцияга қарши курашишга қаратилган.

“КОНСТИТУЦИЯМИЗГА ҲАМОҲАНГ РАВИШДА “ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИДА ҲАМ АҲОЛИ ТАЛАБЛАРИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТЎЛИҚ ЖАВОБ БЕРАДИГАН ТАЪЛИМ, ТИББИЁТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҒОЯСИ АКС ЭТГАН.

O‘ZBEKISTON 2030

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



ТРАНСФОРМАЦИЯ

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОРЛИГИДА УНИНГ АҲАМИЯТИ ЮҚОРИ

Барқарор энергия одамларнинг яхши яшаши учун энг зарур манбалардан. Шу боис, кейинги йилларда бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам энергетика тизимини модернизация қилиш, таъминотни яхшилаш ҳамда соҳада тежамкорликни оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун зарур шарт-шароит яратилиб, ҳуқуқий асослар мустаҳкамланяпти. Ҳамкорликдаги лойиҳаларга қўл урилмоқда. Бинобарин, электр энергиясига талаб йил сайин эмас, кун сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимиз энергетика тизимида 2030 йилга бориб, умумий қуввати 25 минг 57 мегаватт бўлган 47 та электр станцияси (шундан 35 таси қуёш ва шамол, 12 таси иссиқлик электр станцияси) ишга туширилиши режалаштирилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар намунасидир.



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги пайтларда аҳолининг энергияга мавсумий эҳтиёжи кескин ошиб бораётир. Бу барча электр тармоқларини, яъни генерациядан тортиб, электр энергияси транспортировкаси ҳамда тақсимлаш жараёнини ҳам яхшилашни тақозо этади. Энергетика тизимида самарадорлик таъминланмай, барқарор энергия таъминотига эришиб бўлмайди. Қолаверса, кескин иқлим ўзгариши, аномал иссиқ ва совуқ туфайли кузатилаётган ҳолатлар энергия таъминотидаги турли камчиликларни юзага чиқармоқда.

Таҳлилларга кўра, сўнгги етти йилда янги қурилган электр узатиш тармоқлари ҳажми 1991-2016 йиллар оралиғидагига нисбатан 8,5 баробар кўп. Аниқроғи, 2017–2023 йилларда республикамиз бўйлаб 79 минг 675 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари янгиланган. 1991–2016 йилларда эса бор-йўғи 9300 километрлик электр узатиш тармоқлари модернизация қилинган, холос.

— Сўнгги 7-8 йилда магистрал электр тармоқлари ва подстанцияларни ривожлантириш бўйича улкан лойиҳалар амалга оширилди, — дейди “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси матбуот котиби Улуғбек Урунов. — Мисол учун, 2017 йилдан то шу кунга қадар юқори кучланишли подстанцияларнинг ўтказувчанлик қуввати 7000 мегавольт ампердан зиёдроқ кўрсаткичга оширилди. Таққослаш учун: 2005 йилдан 2017 йилгача бу кўрсаткич 10 баробар кам (700 мегавольт ампер атрофида) бўлган. Юқори кучланишли подстанциялар сони эса 2017 йилга қадар 75 та бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 90 тага етган. Охирги йилларда қурилаётган замонавий подстанциялар рақамли технологиялар асосида ишлайдиган дастур, қурилма ва жиҳозлар билан бойитилиб, уларга “рақамли подстанция” мақоми берилмоқда. Бу мамлакатимизда барқарор энергетика масаласи доимий эътиборда эканидан, тизимни янада яхшилаш йўлида аниқ мақсадли лойиҳа ва дастурлар ижроси изчил таъминланаётганидан далолат беради.

Бу яқинда давлатимиз раҳбари бошчилигида электр энергетикаси соҳасини трансформация қилиш, ҳудудлардаги электр тармоқлари бошқарувига хусусий операторларни жалб қилиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам алоҳида таъкидланди. Президентимиз охирги йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш жараёнлари алоҳида компанияларга ажратилиб, инвестиция учун имкониятлар яратилганини қайд этди.

Тўрт таянч ташкилот — “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Ҳудудий электр тармоқлари”, “Иссиқлик электр станциялари” ҳамда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятлари халқаро кредит рейтинги олишга эришгани айтилиши баробарида эндиги вазифа трансформация орқали рақобатли компанияларга айланиш экани қайд этилди.

Ривожланиш, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Янгиликлар бисёр. Бу эса ҳар бир жамоадан замонга мос ишлашни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан жорий йил охиригача 23 та инвестиция лойиҳаси доирасида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 430,9 миллион доллар ўзлаштириш режалаштирилган бўлса, шунинг 161 миллион доллари давлат кафолати остидаги чет эл маблағи, 203,4 миллион доллари бошқа хорижий инвестициялар, 62,2 миллион доллари ўз маблағлари ҳамда 4,3 миллион доллари тижорат банклари кредитларидир. Ушбу маблағларнинг асосий қисми лойиҳаларга йўналтирилган. Йил якунига қадар 10 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилади. Бунинг натижасида 595 километр узунликдаги 220-500 киловольтли ҳаво электр узатиш тармоқлари ҳамда 1877 мегаватт қувватга эга 4 та янги подстанция ишга туширилади, 4 та подстанцияни модернизация қилиш ҳисобига эса уларнинг қуввати 909 мегавольт амперга оширилади.

Янгича ёндашувлар



Бу борадаги ишлар келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Умумий қиймати 259,2 миллион долларлик лойиҳалар ҳисобига 486,9 километр узунликдаги 220-500 киловольтли электр узатиш тармоқлари ва 2352 мегавольт ампер кучланишли 4 та янги подстанция қурилади. 2 та подстанциянинг қуввати 200 мегавольт амперга оширилади. Бундан ташқари, 2025 йил инвестиция дастурига умумий қиймати 387,5 миллион доллари бўлган 5 та истиқболли лойиҳа ҳам киритилган.

Электр энергиясига ортиб бораётган талабни қоплаш, аҳоли, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш самарадорлик ҳамда трансформация жараёни билан бевосита боғлиқ. Шу мақсадда жорий йилда асосий фаолиятга оид бўлмаган шуъба корхоналарини оптималлаштириш ҳисобига тизим ташкилотлари сони 30 тадан 19 тага қисқарди. Натижада 29,3 миллиард сўмлик харажат иқтисод қилинди. Жамият таркибидан электр энергиясини марказлашган ҳолда харид қилиш ва сотиш функцияси янги ташкил этилган “Ўзэнергосотиш” акциядорлик жамиятига ўтказилди.

Харидлар жараёни шаффофлиги таъминланди. Барча харидлар коррупциявий рискларни минималлаштириш ва инсон омилини қисқартириш мақсадида электрон савдо тизимлари орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, харидларни рақамлаштириш бўйича махсус дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилди.



Тошкент давлат техника университети олимлари билан ҳамкорликда магистрал электр тармоқлари орқали электр энергиясини узатишдаги технологик сарфни ҳисоблаш дастури тайёрланди. Ишлаб чиқаришда хизмат қилиб келаётган муҳандислар олий ўқув муассасасида талаба ва ўқитувчилар учун “маҳорат дарслари” ўтиб бермоқда. Келгуси йилдан экология, ижтимоий сиёсат ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойили жорий этилади.

Келинг, бу тамойиллар нималарни англатади, шу масалаларни бирма-бир кўриб чиқайлик. Экология тамойили компаниянинг атроф-муҳитга қанчалик қайғуришини ҳамда экологияга етказилаётган зарар миқдорини камайтиришга қаратилган ҳаракатларни белгилайди. Ижтимоий сиёсат тамойили эса компания ходимлари, етказиб берувчилар, мижозлар ва истеъмолчиларга муносабатни кўрсатади. Маҳаллий ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун корхоналар меҳнат шароитини яхшилаш устида ишлаши, бу борада мониторинг юритиш ва мониторинг натижаларига кўра таҳлил қилиш, шунингдек, гендер мувозанатни кузатиши ёки ижтимоий лойиҳаларга сармоя киритиши лозим.

Корпоратив бошқарув тамойили компания бошқаруви сифатига таъсир қилади. Ҳисоботлар шаффофлиги, бошқарувга тўланадиган маош миқдори, бошқарувдаги соғлом муҳит, акциядорлар билан муносабатлар, коррупцияга қарши чоралар шулар жумласидан.

Шунингдек, хорижий аудит компанияларини жалб қилган ҳолда корхоналарда коррупцияга қарши курашиш тизимларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича харидлар жараёни форензик аудит, яъни корпоратив фирибгарлик, ходимларнинг нотўғри хатти-ҳаракати ва компаниядаги коррупцияни аниқлашга қаратилган хизматлар мажмуаси таҳлилий ўрганишлардан ўтказилади. Шу билан бирга, халқаро консультантлар иштирокида 2030 йилгача рақамлаштириш стратегияси ишлаб чиқилади.

Йирик лойиҳалардан ҳисобланадиган диспетчерлик назорати ва маълумотларни йиғиш бўйича янги техник-дастурий комплекс (SCADA), электр энергиясини бошқариш тизими (EMS) ҳамда ресурсларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими (ERP) ни жорий этиш бўйича ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Мазкур лойиҳалар 2025 йил якунига қадар тўлиқ жорий этилиши режалаштирилган.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг Трансформацияни амалга ошириш бўйича лойиҳа офиси бошлиғи Баҳром Мавлоновнинг қайд этишича, трансформация жараёнлари кам ишчи кучи ва иқтисодий ресурслар билан юқори самарадорликка эришишнинг муҳим омилидир.

— Трансформация ишлари шу талаблардан келиб чиқиб, давом эттирилмоқда, — дейди Баҳром Мавлонов. — Бу жараён қандай тартибда амалга оширилади ва қайси йўналишлар учун муҳим? Трансформация иқтисодий ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, тизимга рақамли технологиялар ҳамда дастурий таъминотларни жорий қилишни янада жадаллаштиради. Бошқарув ва технологик жараёнларда инсон омилини қисқартириб, адолатли тизимларни яратиш, коррупциянинг олдини олиш, ишлаб чиқаришда таннархни пасайтириш, операцион самарадорликни ошириш, электр энергетика тизими ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий, иқтисодий ва технологик жараёнларни ўз ичига олади.

Қисқаси, трансформация жараёни иқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва инвестициявий жозибадорликни оширишда муҳим босқич. Шу сабабли ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар жамият фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, халқаро бозорга чиқиш ва қатор инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда кенг имконият яратади.

Президентимиз ҳузурида ўтказилган йиғилишда тақсимлаш тармоқларини хусусий шериклик асосида инвесторларга бериб, уларни модернизация қилишга 4 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш мумкинлиги айтилди. Шу мақсадда 2025 йилда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарёдаги тармоқлар бошқарувига хусусий операторларни жалб этиш режалаштирилмоқда.

— Кўплаб хорижий мамлакатларда энергия ресурслари таъминоти, хусусан, электр энергияси ҳам бир нечта операторларнинг ўзаро рақобати доирасидаги таклифлар орқали амалга оширилади, — дейди Улуғбек Урунов. — Бу жараён мамлакатимиз истеъмолчилари учун ҳозирча нотаниш тушунча. Буни мобил алоқа операторларининг жозибадор таклифлари ва хизмат сифатини ошириш учун маркетингга асосланган иш услубига таққослаш мумкин. Бунинг афзалликлари Хитой, Грузия тармоқ операторлаш фаолиятида учрайди. Тармоқлар бошқаруви хусусий операторларга ўтказилганда истеъмолчилар ўзи учун қулай ва ҳамёнбоп тариф турлари бўйича энергия ресурслари таъминотчилари билан шартнома имзолайди. Энг муҳими, хизмат сифати юқори бўлишини талаб қилади. Акс ҳолда, шартнома шартларида белгиланган жарималар ишга тушади ва хизмат сифатини зарур даражага етказмаган операторлар рақобат тамойили асосида бошқа операторга фойдасини бой бериши, яъни истеъмолчи бошқа операторни танлаб, у билан шартнома тузиши мумкин.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти энергетика тизими ташкилотлари қаторида фаолияти учун замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш ва қўллаш, харажатларини қисқартириш, даромад ва инвестициявий жозибадорликни ошириш, халқаро бозорларга чиқиш, шунингдек, жамиятнинг истиқболдаги ривожи учун соҳага тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда трансформация қилиш учун барча шароитларни яратиб бормоқда.

Аграр тармоқ

ХАРАЖАТИ КАМ, ФОЙДАСИ КЎП ЭКИННИНГ СЕРҲОСИЛ НАВИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЕКОБОД ТУМАНИДА ЕТИШТИРИЛЯПТИ





Бугунги кунда овқатни пахта ёғида қиладиганлар анчагина камайиб кетган. Зеро, уй бекалари кўпроқ қулайликни, вақтдан ютишни истайди. Аввалларимиз оналаримиз 10-15 кунга етадиган пахта ёғини ўчоқда, катта қозонда обдан қиздириб олиб ишлатган. Кимлардир зиғир, соя ёғини хушлайди. Бироқ айни пайтда аҳолининг катта қисми кунгабоқар ёғидан фойдаланяпти. Салгина қиздирилса бўлди-да, ҳиди, тутуни йўқ. Шу боис, кунгабоқар ёғига эҳтиёжимиз ортса ортадики, камаймайди.



Илғор фермерларнинг айтишича, республикамиз шароитида кунгабоқар асосий экин сифатида эрта баҳорда, такрорий экин сифатида июль ойининг биринчи ўн кунлигида экилади. 75-80 кунда пишадиган бу экин четдан (25 фоиз ўзидан) чанглангани боис, унинг уруғчилигини йўлга қўйиш қийин масала. Бироқ харажати кам, ҳосили мўл кунгабоқар пахтага нисбатан камида икки ҳисса манфаатли. Эртакисидан гектаридан камида 2-3 тонна ҳосил олинади, чиқинди чиқмайди. Чунончи, саватчалари чорва учун яхши озуқа бўлса, поясини ўтин ўрнида ишлатиш мумкин. Агротехникаси ҳам қулай, битта енгил чопиқдан сўнг одам бўйи ўсиб, барглари билан ўзини ёпиб олади. Шу боис, унинг соясида бегона ўтлар ривожлана олмайди. Арзимаган сув билан пишишидан ташқари ўғитни ҳам кам талаб қилади. Энг муҳими, бозори чаққон. Кимга, қаерга сотаман деб ўйланмайсиз. Ҳатто юртимизга четдан “Ерингизда етиштириб берсангиз бас, ҳамма харажатлар ўзимиздан, хизматингизга ҳақ тўлаймиз”, дейдиган инвесторлар келяпти. “Йўғ-э” дейсизми, унда Тошкент вилоятининг Бекобод туманига боринг. Туман ҳокимлиги мутасаддиларининг айтишича, ҳудуддаги 650 гектар ерга россиялик инвесторлар билан ҳамкорликда сифатли уруғ ва ўсимлик мойи ишлаб чиқаришга мўлжалланган кунгабоқар тажриба тариқасида экилди. Ўртача ҳисобда гектаридан 3,5-4 тоннагача ҳосил олиш режалаштирилган бу кунгабоқар навининг маҳаллий навлардан фарқи шундаки, ундан одатдагидан кўпроқ ёғ олиш мумкин. Шунингдек, ҳосилдорлиги ҳам юқори, иқлим шароитига мослашувчан, уруғлари унувчан. Деҳқонобод массивидаги “Бойбўта” фермер хўжалиги ҳам 13 гектар ерда илк бор кунгабоқар етиштирди. Фермер хўжалиги раҳбари Нилуфар Пирматова бу ҳақда батафсил гапириб берди.

— Бекободда кунгабоқар экилганини ҳеч кўрмаганмиз. Чунки ўзимизнинг маҳаллий навлар буғдойдан кейинги ерларимизда пишмайди, — дейди фермер. — Россияликлар эса ўзларининг янги навидан бу ерда ҳам икки марта ҳосил олишдан умид қилиб келишибди. Ҳокимлик вакиллари билан музокаралар қилиб, бир қарорга келингач, тажриба тариқасида экдик. Меҳнати пахтаникидай оғир эмас экан. Пахтани март ойида экиб, октябрда териб оламиз, 9 ойда пишади. Кунгабоқарни иккинчи ҳосилга августнинг бошида эккан бўлсак ҳам пишиб етилди. Ҳатто ойнинг ўртасида экканларники ҳам пишиб улгурди. Эртакиси 80 кунда, кузгиси 90 кунда пишади. Гектарига тахминан 7 килодан уруғ сарфланди.

Уч марта енгил суғорилди. Уруғлик бўлгани учун 250 килодан ўғит бердик. Аслида, бундан ҳам кам сарфланади. Пахтани эса 4-5 марта қондириб суғориш керак. Камида 1 тонна ўғит солинади. Ўргимчаккана, кўсак қурти, ширага қарши заҳарли дорилар сепилмаса, ёппасига касалланади. Бу йил 5 мартагача шундай дориларни сепдик. Кунгабоқарга эса бир марта дори сепилди. Гуллаган пайти бир гектарига 5 қутидан асалари қўйиб чанглатдик. Насиб қилса, ҳосилдан қимматбаҳо уруғ олинади. Россиянинг нам иқлимига мослашган бу нав қорда ҳам далада тураверади. Пояси маҳаллий кунгабоқарникидек эмас, юмшоқ. Ҳосилни ўриш чоғи комбайн поясини янчиб, ерга сочиб кетади. Бир марта ёмғир ёғса, ерни ҳайдасангиз, тайёр биогумусда. Шунинг учун ҳам мутасаддилар астойдил ҳаракат қиляпти. Хизматимизга яхшигина ҳақ тўлашмоқчи. Зора, кунгабоқар уруғчилиги бўйича етакчи бўлиб кетсак. Тажриба натижаларига қараб, бу ерда ҳам ёғ-мой заводлари қуриш мўлжалланяпти. Агар туманимизда ёғ заводи қурилиб қолса борми, камида 2 минг киши иш билан таъминланади.

Нилуфар опа уруғлик кунгабоқарни экиш қоидаларидан ажабланганини айтди. Тошкентдан бир тадқиқотчи опа келиб, шу бўйича диссертация ёзаётгани ҳақида гапирди. Фермердан ўша аёл билан бизни боғлашини илтимос қилдик.

— Мойли экинларнинг уруғи ва меваси таркибида 20-60 фоиз мой бўлиб, озиқ-овқатда, консерва ишлаб чиқаришда, қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Бундан ташқари, ўсимлик мойи маргарин, совун, лак-бўёқ, алиф, линолеум ишлаб чиқаришда, табобатда, парфюмерияда, терига ишлов беришда қўлланилади, — деди Тошкент кимё халқаро университети мустақил изланувчиси Муҳаббат Амонова. — Мой ишлаб чиқаришдан қолган кунжара ва шрот чорва молларига юқори тўйимли озуқа ҳисобланади. Уруғларни мой олиш учун қайта ишлашда 33-35 фоиз юқори сифатли кунжара олинади. Кунжара алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарга бой.

Сўнгги йилларда яратилган кунгабоқар навларининг мойида 75-80 фоиз олеин ва 12-17 фоиз линол кислоталари сақланади. Бундай мойлар сифатига кўра, зайтун ёғига яқин туради. Кунгабоқар ёғида А, Д, Е, К витаминлари, фосфатидлар бор.

Тадқиқотчининг айтишича, “Бойбўта” фермер хўжалигида, асосан, “М 32” оналик, “О 21” оталик уруғлари экилди. Насиб қилса, улардан кейинги йилга экиш учун элита уруғ олинади. Ўсимликни чанглатиш учун асаларидан фойдаланилади. Чунки асалари бўлмаса, саватчадаги писталарнинг 40 фоизи пуч бўлиб қолади. Бу кунгабоқар гуллаб олса бас, салқинда ҳам ҳосилга тўлаверади, совуқ таъсир қилмайди.

Муҳаббат Амонованинг сўзларига кўра, кунгабоқарнинг анғиз қолдиқлари, майдаланган саватчалари чорва моллари учун қўшимча озиқ, уруғларининг пўчоғи гексоза ва пентоза шакари ишлаб чиқаришда қимматли хомашё. Поляларини куйдириб, кулидан ишқор олинади. Зеро, унинг кули қимматли ўғитдир. Шунингдек, кунгабоқар асал берувчи ўсимлик. Ўзбекистоннинг лалмикорлигида кунгабоқар силос ва яшил озуқа учун экилади. У шўрга чидамли бошқа ўсимликлар учун агротехникавий аҳамиятга эга. Уруғ пўчоқларидан олинган гексоза шакаридан этил спирти, озуқа ачитқилари, пентоза шакаридан сунъий тола, пластмасса, синмайдиган шиша ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган фурфурол олинади.

Кунгабоқар кам харажатли, аммо даромадли экин эканини, тўғриси, мақолани ёзиш жараёнида тушуниб етдик. Умид билан айтишимиз мумкинки, россиялик инвесторлар билан кунгабоқарнинг янги навини етиштириш борасидаги ҳамкорлик нафақат Бекобод тумани, балки республикамиз иқтисоди ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЭКОЛОГИК САЙЁҲЛИК ВАҚТИНЧАЛИК ТРЕНД ЭМАС



У ТУРИЗМ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН ПОЙДЕВОР БЎЛА ОЛАДИ

Сайёра САФОЕВА,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Жаҳон сайёҳлик саноатида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири экологик туризмдир. Табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш билан бирга уни келажак авлодлар учун асраб-авайлаш мақсадида экологик хавфсиз йўналишларни танлаётган сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда. Бу йўналиш Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятли. Ҳали Франция ёки Испаниядагидек сайёҳлар оқими кўп эмаслигини инобатга олсак, мамлакатимиз ноёб маданий ва табиий меросни асрашга хизмат қиладиган экологик барқарор туризм моделини шакллантириш учун бетакрор имкониятга эга.

Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, трансчегаравий гармсел шамоли ва чанг-қум бўронининг атроф-муҳитга зарарли таъсири олдини олиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил 21 октябрь куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда бу борадаги масалалар кенгроқ таҳлил қилинди, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон табиат муҳофазаси масаласида ўзини ҳар томонлама масъулиятли мамлакат сифатида намойиш этиб келмоқда. Аввало, бу йўналишда Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2030 йилгача иссиқхона гази ташланмасини 35 фоиз қисқартириш, саноатда энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш, иқтисодиётнинг барча тармоғида сувдан фойдаланиш унумдорлигини таъминлаш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 гигаваттга етказиш ва уларнинг умумий электр энергиясидаги улушини 30 фоиздан кўпайтириш, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг қайта ишланишини 60 фоизга етказиш каби мақсадлар белгиланган.

Изчил саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ мамлакатда экоинновацион меҳмонхоналар тажрибаси оммалашмоқда. Бу каби ўзгаришлар экосайёҳларни мамлакатимизга кўпроқ жалб этмоқда.

Сайёҳлар оқимини шакллантириш босқичида

Экологик туризм нафақат табиат муҳофазаси, балки маҳаллий ҳамжамиятни қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутади. Бу эса туризмни муҳим ижтимоий-иқтисодий кучга айлантиради. Маданий ёдгорликлар, табиий қўриқхоналар ва ноёб ландшафтларга бой бўлган Ўзбекистон учун экологик туризм барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Туризм соҳасини замонавий экологик стандартлар асосида йўлга қўйиш айрим мамлакатларда оммавий туризм таъсирида кузатилаётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш имконини беради.

Ўта кўп сайёҳлар оқими экологияга жиддий талафот етказаётган Европанинг машҳур йўналишларидан фарқли равишда Ўзбекистон сайёҳлар оқимини шакллантириш босқичида. Бу атроф-муҳит ва маданий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда инфратузилмани барпо этиш мумкин дегани. Мамлакатимиз мазкур йўналишда дастлабки қадамларни қўймоқда. Миллий боғлар ташкил этиш, қишлоқ туризмини ривожлантириш ва барқарор туризмнинг аҳамияти борасида аҳоли хабардорлигини ошириш каби ҳаракатлар шулар жумласидан.

Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида жойлашган “Оролбўйи” миллий табиат боғи Ўзбекистон экотуризмининг ёрқин намунасидир. Майдони 3165,95 гектар бўлган боғ уч қисмдан иборат: қўриқхона, рекреация зонаси ва хўжалик ҳудуди. Бундай бўлиниш туризмни қатъий экологик стандартлар асосида ривожлантиришга ёрдам беради.

“Оролбўйи” боғи қўриқхонасида маҳаллий ўсимлик ва ҳайвонот олами инсон таъсиридан ҳимоя қилинади. Рекреация зонаси сайёҳлар учун очиқ бўлиб, пиёда сайр, велотуризм ва ёввойи табиатни кузатиш каби экологик хавфсиз йўналишларни таклиф этади. Хўжалик ҳудуди маҳаллий аҳолини иш билан таъминлайди. Бу ҳудудда анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишга ёрдам беради. Туризмнинг ушбу шакли Оролбўйининг ноёб экотизимини асраш, ҳудуд табиати ва маданиятини қадрловчи сайёҳларни жалб қилишга замин яратади.

Туризм саноатида экологик тоза технологиялар

Барқарор туризмнинг муҳим шартларидан бири табиатга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган технологиялардир. Ўзбекистонга хос иссиқ иқлим шароитида қуёш энергиясидан фойдаланиш, айниқса, истиқболли. Ҳозир мамлакатда дам олиш масканлари ва сайёҳлик мажмуаларида қуёш панелларидан фаол фойдаланилмоқда. Бу эса карбонат ангидрид ташланмаларини камайтириш ва анъанавий энергия истеъмолини қисқартиришга ёрдам беради.

Баъзи меҳмонхоналар ва меҳмон уйлари сайёҳларга биологик парчаланувчи шампунь ва совун каби экологик тоза парвариш воситалари, сувни тозалаш ва қайта ишлаш тизимлари сингари инновацияларни таклиф этмоқда. Бундай чоралар “яшил” ташаббусларни қўллаб-қувватловчи сайёҳлар учун Ўзбекистоннинг жозибадорлигини оширади.

Қолаверса, виртуал саёҳатлар ва аудиойўриқнома каби рақамли технологиялардан ҳам фаол фойдаланиш мумкин. Бу махсус муҳофаза остидаги табиий ҳудудларга келувчилар сонини ва уларга тушадиган юкламани камайтириш имконини беради. Масалан, қўриқхоналарга қизиқувчилар учун қўриқланадиган ҳудудларга жисмоний аралашувни минималлаштирувчи, онлайн “ташриф” имконини берувчи виртуал йўналишларни яратиш мумкин.

Аҳолининг экологик хабардорлигини ошириш муҳим

Мазкур йўналишни муваффақиятли ривожлантиришда нафақат инфратузилма, балки маҳаллий аҳоли ва сайёҳларнинг экологик маданиятини шакллантириш ҳам аҳамиятлидир. Экологик хулқ-атвор табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, атроф-муҳит билан ўзаро муносабатдаги амалий кўникмалар, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлишнинг аҳамиятини тушуниш кабиларда намоён бўлади. Турли соҳа вакиллари билан мулоқот, тажриба ва ғоялар алмашинуви ҳам шулар жумласидан.

Экологик маданиятни таълим кампаниялари, маърифий тадбирлар ва фестивалларорқали шакллантириш мумкин. Ўзбекистонда истеъмол ва чиқиндиларни қайта ишлашни оммалаштиришга қаратилган экофестивалларҳамда акциялар фаол тарзда ўтказилмоқда.

Табиат ва маданий меросни асрашнинг аҳамиятини тушунтирадиган сайёҳлик дастурлари ҳам барқарор туризм ривожига таъсир кўрсатади. Бу дастурлар сайёҳларнинг ҳудудларни тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва маҳаллий ҳамжамиятни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлардаги иштирокини назарда тутади. Масалан, сайёҳларга табиат ҳудудларини тиклаш, дарахт экиш ёки қўриқхоналарда кўнгилли ёрдам бериш имкониятини таклиф этиш мумкин.

Юксак экологик маданиятга эга маҳаллий аҳоли табиат муҳофазасида муҳим ўринга эга. Бу, айниқса, Қорақалпоғистон каби ноёб табиий ҳудудлар учун долзарб бўлиб, маҳаллий ҳамжамият табиатни ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Халқаро тажрибани қўллаш мумкин

Дунёда экотуризмнинг муваффақиятли ташкил этилишига кўплаб мисоллар мавжуд. Ўзбекистон улардан энг яхшиларини ўзлаштириш имконига эга. Масалан, Норвегия миллий боғларга келувчилар сонини фаол чекламоқда. Бу экотизимни сақлаб қолишга ёрдам беради. Бутанда туристларни квоталаш тизими амал қилади. Бу мамлакатнинг ҳам экологик, ҳам маданий барқарорлиги учун зарур. Мазкур мисоллар экологик барқарор туризмни яратишга интилаётган Ўзбекистон учун маёқ вазифасини ўтайди.

Халқаро ташаббусларда иштирок этиш ва экотуризмга ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорлик бундай дастурлар учун керакли маблағ ва техник ёрдамни жалб қилишга пойдевор яратади. Ўзбекистон қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва тажриба алмашиш учун экология ва туризм соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу атроф-муҳит муҳофазасини қадрият сифатида кўрадиган сайёҳлар учун янги, жозибадор маҳсулотлар яратишга йўл очади.

Агротуризм ривожи қишлоқ иқтисодиётини юксалтиради

Сайёҳларни жалб этиш ва барқарор экотуризмни ривожлантириш учун Ўзбекистон ўзига хос маҳсулотлар таклиф қилиши лозим. Хусусан, “Оролбўйи” миллий боғи экологик саёҳатлар, чўл ва сув ландшафтлари бўйлаб экскурсиялар, шунингдек, экологерлар ҳамда илмий экспедициялар маскани бўла олади.

Бундан ташқари, қишлоқ туризми (агротуризм) истиқболли йўналиш сифатида Ўзбекистоннинг маданий анъаналари билан танишиш имконини беради. Сайёҳлар гиламдўзлик, кулолчилик, сопол ва мато тайёрлаш каби анъанавий ҳунармандлик жараёнида қатнашиб, ноёб тажрибага эга бўлиши мумкин. Бу маҳаллий аҳоли учун ҳам манфаатли. Шундай дастурлар сайёҳларнинг маданияти ва турмуш тарзини бевосита ҳис қилиши, ҳунармандлик анъаналарини сақлаб қолишга кўмаклашади. Агротуризм ривожи қишлоқ иқтисодиётини юксалтиради. Илғари тушкун кайфият ҳукм сурган, бошқа фаолият турларини ривожлантириш учун яроқсиз саналган қишлоқ ва овуллар иқтисодиётда фаол иштирок этмоқда. Бироқ туристик маҳсулот сайёҳлик ресурсидан фарқ қилади. Туристик ресурсни тўлақонли маҳсулотга айлантириш жараёни вақт, катта куч-ғайрат, профессионал ёндашув ва молиявий қўллаб-қувватлар талаб этади.

Ўзбекистонда экотуризм вақтинчалик тренд эмас, балки сайёҳлик саноатининг барқарор ва узоқ муддатли ривожланиши учун пойдевор бўла олади. Экологик меъёрларни жорий этиш ноёб табиий ҳудудлар ва маданий меросни асраш, маҳаллий ҳамжамиятларни қўллаб-қувватлаш ва янги сайёҳларни жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон учун бу соҳани масъулият билан ривожлантириш, машҳур сайёҳлик йўналишларининг хатоларини такрорламаслик, айниқса, муҳим.

Экотуризм табиатга зиённи камайтирибгина қолмай, янги сармояларни жалб қилиш, иш ўринлари яратиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам беради. Илғор технологияларни жорий этиш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик мамлакат табиати ва маданий меросини асраш учун замин яратади. Экологик туризм — давр талаби. Ўзбекистон эса Марказий Осиёда барқарор туризм имкониятларига эга.



Ислоҳотлар амалда

ҚАШҚАДАРЁДА ИЛК МУҲАНДИСЛИК МАКТАБИ ИШ БОШЛАДИ

Жорий йил 20 июнида муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бугунги мураккаб вазиятда барча давлатлар ички ресурсларга таяниб, инновацияга интилаётганини қайд этиб, қатор муҳим масалаларга тўхталиб ўтди.



Йиғилишдаги топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бугун ҳудудларда амалий ишлар бошланиб кетди. Жумладан, яқинда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ ҳамкорлигида Газ-кимё ва энергетика илғор муҳандислик мактаби очилди. Ушбу муҳандислик мактаби келгусида энг сўнгги технологияларни ўзлаштирган, инновация, янги ғоялар яратиш кўникмасига эга замонавий авлод муҳандисларини тайёрлашга хизмат қилади.

“Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ нефть ва газ саноати бўйича Қашқадарё вилоятидаги йирик корхоналардан биридир. Бу ерда газни қайта ишлаш учун замонавий технологиялар ўрнатилган. Кўп сонли ишчилар меҳнат қилса-да, тажрибали мутахассисларга эҳтиёж сезилади. Шунга қарамай, нефть-газ йўналиши бўйича олий маълумотга эга ҳамма битирувчи ҳам ушбу мажмуада ишлаб кетавермайди. Сабаби заводда меҳнат қилувчилардан соҳасини яхши билиш, малакали, билимли ва масъулиятли бўлиш талаб этилади. Шу боис, ишга кирувчи ҳар бир ёш белгиланган меъёрий талаблардан ўтиши керак. Бунинг учун эса талаба амалиётда фаол иштирок этган, етук билимга эга бўлиши лозим.

— Корхона ҳузурида муҳандислик мактаби очилгани олий маълумотли ёшларнинг иш билан таъминланишида жуда муҳим. Ўқишдан ажралмаган ҳолда фаолият юритиш ёшларнинг келгусида тажрибали мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилади. Айни пайтда мактабда устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилиб, йигит-қизлар малакали, кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга мутахассислар бошчилигида иш ўрганмоқда, — дейди “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ бош муҳандисининг энергетика тизими бўйича ўринбосари Шериддин Раҳмонов. — Вилоятимизда нефть-газ йўналишида ишлаётган завод ва корхоналар кўп. Шу сабабли бу йўналишда меҳнат қилишга имконият катта. Воҳада биринчилардан бўлиб корхонамиз ҳузурида муҳандислик мактаби очилгани кўпчиликка маъқул бўлди. Бу лойиҳа қисқа муддатларда ижобий натижа беришига ишонаман.

“Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ маъмурияти томонидан муҳандислик мактабига 3 та мутахассислик бўйича 24 магистрант саралаб олинди. Лойиҳага кўра, мактабда магистрантлар назарий машғулотлар билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, дуал таълим олади. Биринчи йили янги маҳсулотларни лойиҳалаштиради, илмий изланишлар ўтказади. Иккинчи йилда эса янги маҳсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнларда иштирок этади.

— Йирик корхона ҳузурида ҳам ишлаб, ҳам ўқиш соҳани пухта ўзлаштиришимиз учун катта имконият, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти магистранти Насиба Абдураҳимова. — Бу ерда ҳар бир жараённи кузатиб, назарий билимларимизни амалиётда қўллаш мумкин. Илгари фақат назарий билимга катта эътибор қаратилган. Қисқа муддатли амалиётларда эса ишлаб чиқариш жараёни хусусида тушунчага эга бўлишга вақт етмасди. Ҳозир икки кун олийгоҳда бўлсак, қолган вақтимиз мажмуада ўтмоқда. Корхонада йирик қувватли ускуналардан фойдаланилаётганини кузатиб боряпмиз. Баъзиларини ўзимиз бошқариб, ишлатиш борасида тушунчага эга бўляпмиз. Бу борада тажрибали мутахассислар устозлик қилмоқда.

Маълумотларга кўра, муҳандислик мактабига Малайзиянинг Петронас технологиялар университети, Германиянинг Дрезден техника университети, Россиянинг Томск техника университети, Беларусь миллий техника университетидан малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар жалб этилиши режалаштирилган. Шунингдек, бу ерда таълим жаҳондаги илғор 300 таликка кирган университетларнинг чуқурлаштирилган модулли дастурлари, ўқув режалари, хорижда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалари асосида олиб борилади.

Мутахассислар таъкидлашича, сўнгги уч йилда вилоятдаги олийгоҳларнинг ўзида 3 мингдан ортиқ ёш муҳандислик йўналишида диплом олган. Аммо уларнинг иқтисодиётдаги самараси деярли сезилмаяпти. Шу билан бирга, жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар вилоятга ярим миллиард доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб қилинган. Инвестицияларнинг асосий қисми технология кўринишида кириб келган. Малакали инженерлар, технологлар етишмаслиги сабабли маҳаллий тадбиркорлар ойига 5-10 минг доллар тўлаб, четдан мутахассис олиб келиб ишлатишга мажбур бўлмоқда. Янги инвестициявий лойиҳаларни йўлга қўйиш, воҳа экспорти географиясини кенгайтириш бўйича катта марралар олинган. Албатта, бунда малакали мутахассисларга кучли эҳтиёж сезилади.

Кадрлар тайёрлаш тўғри йўлга қўйилмас экан, кўзланган марраларга эришиш муаммолигича қолиб кетиши аниқ. Янги муҳандислик мактаби эса бунинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Унда тайёрланган мутахассислар юртимиз иқтисодиёти ва саноатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2024 йил 7 ноябрь, 226-сон

“Оқил киши ватан қуриб, эл тузар”, дейди Махтумқули. Чиндан ҳам умуминсоний ғоялар учун курашадиган, ижод қиладиган ҳар бир инсон эзгулик диёрида бир ватан қургайки, унинг эли мангуликка дахлдор бўлгусидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official yuz_news yuz


Махтумқули таваллудининг 300 йиллигига











ЭЗГУЛИК ДИЁРИДА ВАТАН ҚУРГАН АЛЛОМА

Бу йил нафақат туркий халқлар, балки жаҳон адабиёти ва маданиятида ўз ўрнига эга атоқли шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий таваллудига 300 йил тўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2024 йил 19 февраль куни “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарор асосида мамлакатимизда Махтумқулининг бой ижодий-маънавий меросига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

6 ноябрь куни сўлим кузнинг барака ёмғири томчилаётган бир паллада пойтахтимиздаги Махтумқули кўчасида давлат ва жамоат арбоблари, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шодурди Мередов, Туркман маданий маркази вакиллари, туркманистонлик меҳмонлар, ёзувчи-шоирлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари тўпланиб, шоирнинг ёдгорлик лавҳаси пойига гуллар қўйди.

Шундан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган тантанали адабий-маърифий хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда таниқли давлат ва жамоат арбоблари, меҳмонлар, ёзувчи-шоирлар, маданият-санъат намояндалари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Театр фойесида Махтумқули Фироғийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар ҳамда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Ўзбек ва туркман миллий куй-қўшиқлари ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Туркманистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шодурди Мередов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек, Кинематография агентлиги директори Шуҳрат Ризаев сўзга чиқиб, ўзбек ва туркман халқини бир неча асрлардан бери бирлаштириб келаётган маънавий-маърифий ришталар ҳақида гапирди.

— ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти 2024 йилни “Махтумқули йили” деб эълон қилгани улуғ шоир тараннум этган ғояларнинг қанчалар ҳаётбахш эканидан далолат беради, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид. — Мустақиллик йилларида Махтумқули шеърларининг янги таржималари пайдо бўлди. Хусусан, таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек Махтумқулининг 170 та, асосан, илгари ҳукмрон мафкура йўл қўймаган диний-тасаввуфий мазмундаги шеърларини илк бор ўзбекчалаштириб, чоп қилдирди. Бу китоб “Сайланма” деб аталиб, ундан таржимоннинг “Махтумқули — валий шоир” деган кириш мақоласи ҳам ўрин олган. 2017 йилда филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим Махтумқулининг отаси, шоир Озодийнинг ғазалларини ўзбек тилига таржима қилди.



Дарҳақиқат, кейинги йилларда ўзбек-туркман адабий алоқалари янада ривожланди. 2022 йилда чоп этилган “Туркий адабиёт намуналари” 100 жилдлик асарлар мажмуасининг 9 та жилди туркман адабиётига ажратилган. Ундан туркман мумтоз адабиётидан то бугун ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар асарларининг ўзбекча таржимаси ўрин олди. Туркманистон адабиётига ажратилган ушбу жилдлар Озодий ғазаллари билан бошланади. Туркман мумтоз адабиётидан Мулланафас, Махтумқули, Андалиб, Залилий, Камина, Ошиқий, XX аср адабиётидан Хидир Деряев, Берди Кербобоев, Қаюм Тангриқулиев, Ораз Яғмур, Отажон Тоғон романлари киритилган.

— “Оламда одам қолмас ном қолади” деган ҳикмат Махтумқули қаламига мансуб, — дейди Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Шуҳрат Ризаев. — Дарҳақиқат, мана унинг таваллудига 300 йил бўлдики, Махтумқулининг номи барҳаёт. Унинг бадиий тафаккури мевалари инсониятни эзгуликка чорлаб, адабиёт ва санъатга иштиёқманд қалбларни шеърлари, қўшиқлари тўлқинлантириб келмоқда. 11 октябрь куни Туркманистонда Махтумқули таваллудининг 300 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Махтумқули ўзбекнинг ўз шоири”, дея айни ҳақиқатни таъкидлаб ўтди. Давлат буюртмаси асосида Махтумқули Фироғийга бағишлаб суратга олинган бадиий фильмда биз икки халқ ўртасидаги ана шу асрий ҳақиқатларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Ўзбекистон ва Туркманистон кино усталари ҳамкорлигида яратилган ушбу фильм ёш режиссёримиз Музаффар Эркинов бошчилигида Ўзбекистон ва Туркманистон киноижодкорлари ҳамкорлигида қисқа вақтда суратга олинди. Ундаги асосий ролларни ўзбек актёрлари — Боир Холмирзаев, Расулхон Қодирхонов, Сирожиддин Сатторов, туркман актёрлари — Чори Бердиев, Аҳмед Омондурдиев, Лола Розиева ижро этди.

“Оқил киши ватан қуриб, эл тузар”, дейди Махтумқули. Чиндан ҳам умуминсоний ғоялар учун курашадиган, ижод қиладиган ҳар бир инсон эзгулик диёрида бир ватан қургайки, унинг эли мангуликка дахлдор бўлгусидир. Айни ҳақиқат асосида янграган мумтоз қўшиқлар ва саҳна кўринишлари иштирокчилар қалбига ўзгача шукуҳ ва сурур бағишлади.

Зеро, ушбу адабий-маърифий анжуман ўзбек ва туркман халқлари адабиёти, санъати, маърифатидаги ҳамоҳанглик, мустаҳкам адабий ришталаримизнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҚЎБИЗ ВА ЖИРОВЧИЛИК элга қайтмоқда



Боқий мерос

“Ниҳол” ва “Мард ўғлон” давлат мукофотлари соҳиби Даўранбек Ендирбаев дастлаб бахшичиликни ўрганди. Жанибек Пиёзовга шогирд тушиб, сабоқ олди. Кейинчалик қўбиз товушига шайдо бўлди, жировликни ўрганишга қарор қилди. Насиҳат, терма-тўлғовлар билан бирга “Едигей”, “Ершора” ва “Алпомиш” достонларидан парчалар ижро этди. Мана, 10 йилдирки, Қорақалпоғистон халқ жирови Бақберген Сиримбетовдан мазкур санъат сирларини ўрганиб келаётир.

Қўбиз аждодларимиздан қолган қадимий чолғу асбоби. У билан боғлиқ жировлик санъати маданий меросимизнинг ажралмас қисми саналиб, халқимизнинг неча минг йиллик тарихида кўплаб жировлар бўлганидан дарак беради. Ушбу анъанани давом эттиришда муаммолар ҳам мавжуд: ижро этувчи жировлар, моҳир ҳунармандлар камайиб боряпти. Ёш авлод бу санъат туридан етарлича бохабар эмас. Бундан ташқари, келажак авлодга маълумот ва билим етказиш борасида қийинчиликлар кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий қўбиз чолғу асбоби ва жировлик санъати анъаналарини сақлаб қолишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу муаммонинг олдини олиш имкони пайдо бўлди. Сўнгги пайтларда қўбиз ва жировлик анъаналарини сақлаб қолиш мақсадида кўплаб ишлар бажарилмоқда.

— Имкон даражасида қўбиз ва жировлик санъатини ривожлантириш, қайта тиклаш ва сақлаб қолишга қаратилган “Миллий чолғу асбобини чалиш ва чалиш анъаналарини сақлаш бўйича тезкор чора-тадбирлар” лойиҳаси доирасида амалий семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Лойиҳа ЮНЕСКОнинг 2003 йилги конвенцияси Номоддий маданий мерос жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Қўбиз ва жировлик санъатини сақлаб қолиш лойиҳаси доирасида ўтказилаётган мазкур семинар-тренингларда мутахассислар ёшларга қўбиз ясаш сирларини ўргатаётир. Жировлар бу санъатни ўргатишга эътибор қаратмоқда. Миллий экспертлар, хусусан, хонандалар, усталар ва маданий мерос жонкуярлари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар самара беради деган ниятдамиз, — дейди лойиҳа мутахассиси Наргиза Қодирова.

Қорақалпоқ достонларининг сўзи ҳам, сози ҳам бир бутун бирликни ташкил этади. Халқ қаҳрамонлик достонлари кўпинча қўбиз, лиро-эпик достонлар эса дутор билан ижро этилади. Жиров қўбиз созига мослаб томоғини қириб айтса, бахши овозини дутор куйига солиб, эркин айтади. Жировлар репертуаридаги қаҳрамонлик достонлари бахшилар достонидан бутунлай фарқ қилади. Жировлар репертуарида севги-муҳаббат ҳақидаги достонлар эмас, қаҳрамонлик қўшиқлари ижро этилади. Қўшиқлар билан достонлар қорақалпоқлар тилини, поэзиясини, этнографиясини ва маҳаллий турмуш тарзини ўрганиш учун бой материалга эга манбадир. Шунинг учун ҳам этнограф Шоқан Уалиханов қорақалпоқларни саҳродаги биринчи шоирлар ва қўшиқчилар дея таърифлаган.



— Жировлар томошабинлар йиғилгунга қадар дастлаб панду насиҳат қилган, сўнг достонлар ижро этган. Достонни ижро этишдан олдин жиров репертуаридаги достонлар ҳақида оммага маълум қилган. Уларнинг орасидан халқ талаб қилганларинигина айтган. Тингловчилар орасида ёши улуғ, кўпни кўрган, достон ижро этувчиларни тинглаган кузатувчи-танқидчилар ҳам бўлган. Жиров достонни бузиб, олдинги намунадан чиққан ҳолда ижро этса, кузатувчилар жировни тўғри йўлга солиб, йўналтириб ўтирган. Шунинг учун ҳам ҳар бир жиров қайси достонни ижро этса, шунга жавобгар бўлган, — дейди Бақберген Сиримбетов. — Ушбу анъаналарни давом эттириш, усталарнинг ёшларга қўбиз ясашни, жировларнинг жировликни ўргатиши учун амалий семинар-тренинглар ўтказилиши қадимий санъат анъаналарини сақлаб қолишда катта аҳамият касб этади.

— Қўбиз ва жировчилик отадан болага мерос бўлиб келмоқда. Унутилаётган ушбу меросни сақлашимиз ва кейинги авлодга етказишимиз керак, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали талабаси Самандар Турдибаев. — Ўзим қўбиз билан “Едигей”, “Алпомиш”, “Ерзийуар” ва “Айдосбий” достонларидан парчаларни севиб ижро этаман.

“Жир” сўзи қорақалпоқлар орасида қадим замонларда тарқалган. Унинг асосида “жиров” атамаси пайдо бўлган. Тахминан XIV асрда “жиров” сўзи қорақалпоқлар орасида қўлланган бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Қорақалпоқ тилида достон ижро этувчи жиров ва бахшилар ҳамда уларнинг чолғу асбоби бўлган қўбиз, дутор айро тушунилмайди.

— Қорақалпоқ жировлари тарихи жуда қадимий. Соппасли Сипира жировдан бошлаб, Карам жиров, Нағим жиров, Есемурат жиров, Бердимурат жиров ва ундан кейин Жумабай жиров, Жақсилиқ жиров халқимиз орасида жуда машҳур бўлган. Устозим ва падари бузрукворим, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Қорақалпоғистон халқ жирови Жақсилиқ Сиримбетов жировликни устози Қияс жировга шогирд тушиб ўрганган. Отамнинг репертуарида “Алпомиш”, “Қирққиз”, “Едигей”, “Маспатша” достонлари бор. Ҳозир отамнинг касбини мен давом эттириб келяпман. Устоз сифатида 30 га яқин шогирд чиқардим. Улар жировлик йўналишини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда, — дейди Бақберген Сиримбетов. — Қорақалпоғистон жуда ажойиб ўлка. Маданий мероси билан қанча мақтансак, арзийди. Навбатдаги лойиҳамиз қўбиз ва жиров ижрочилигини давом эттиришга хизмат қилади.



Жировлик билан шуғулланиб келган Жумабай Бозоровни кўпчилик яхши танийди. Қорақалпоғистон халқ жирови Жумабай Бозоров Есемурат жиров Нурабиллаевдан ўтган асрнинг 50-йилларида қўбиз чалиш, достонлар ва бахшичилик сир-асрорларини қунт билан ўрганган.

1970-йиллардан бошлаб танловларда фаол иштирок эта бошлаган бахшининг нафақат Марказий Осиёда, балки Европа давлатларида ҳам мухлислари, ижодини юксак эътироф этган олимлар кўп. Масалан, 1981 йили Германиянинг Бонн университети профессори Карл Райхл атайлаб Қорақалпоғистонга келади. Жумабой жировга бир неча достонларни ижро қилдириб, улардан парчалар ёзиб олади. Кейинчалик ушбу олим Жумабой жиров ҳақида уч тилда китоб нашр қилдиради. Машҳур жиров Жумабой Бозоровнинг “Шарияр”, “Қоблан”, “Едигей”, “Орманбетбий ҳасрати”, “Ота даркор йигитга”, “Не жаман” каби термалари ҳозир радио ва телевидение олтин фондида сақланиб келмоқда.

— Бахшичилик санъати ривожи миллий соз ясовчи усталар иши билан узвий боғлиқ. Қўбиз билан ишлаш бўйича дастлаб халқ бахшиси Жумабой Бозоров ўгитига амал қилган бўлсам, ҳозир унинг фарзандлари, шогирдларидан маслаҳат олиб тураман. Созни жировнинг овозига мослаб ясашга ҳаракат қиламан. Қўбиз қўл меҳнати маҳсули. Унга ёғоч, ҳайвон териси, от ёли танланиб, талаб даражасида маҳорат билан ишланмаса, создан садо чиқмаслиги, бахши овозига мос келмаслиги мумкин. Мусиқа асбобини ясашга қизиққаним учун Озод Ўтарбоевга шогирд тушганман. Устозим оламдан ўтгунга қадар ундан чолғу асбоблари ясашни ўргандим, — дейди шуманайлик Назарбой уста Қадиримбетов. — Ҳозир қорақалпоқларнинг миллий сози — қўбиз, оламўйноқ дутор, гиржак ясайман.

Сўнгги йилларда бахшичилик санъати ривожига катта эътибор қаратиляпти. Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш анъанаси йўлга қўйилди. Бу йўналишдаги ислоҳотларнинг ёрқин мисолини Нукус шаҳрида ташкил этилган Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб мисолида кўриш мумкин. Мазкур мактабнинг очилиши санъатга иштиёқманд қорақалпоғистонлик ёшларнинг орзу-истаклари рўёби бўлди. Давлатимиз раҳбари “Бахшилар нафақат ўтмишнинг акс садоси, бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”, дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, бизни ўтмиш билан боғловчи бахши ва жировлар достонлар орқали тарбиявий-эстетик таълим бериб келмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3883
41157 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:10 Топширилди — 00:50

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05